# Ш А Р Т Н О М А №7

**Булокбоши тумани** **2022 йил «19» 05**

Амалдаги Низом асосида иш юритувчи, кейинчалик **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** деб юритилувчи BMS YANGILANISH RIVOJI MCHJ номидан иш юритувчи М.Боймирзаев бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш юритувчи кейинчалик **«ХАРИДОР»** деб юритилувчи Булокбоши туман Халк таълими булими номидан бюджет ташкилоти рахбари Д.Ахмедов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидаги максадларга тузилди.

## I.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** мазкур шартнома буйича **«ХАРИДОР»** га узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги махсулотларни етказиб бериш, **«ХАРИДОР»** эса етказиб берилган махсулотларни кабул килиб олиб, амалдаги конунчилик талабларига мувофик белгиланган тартибда туловларни амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади.

1.2. Етказиб бериладиган, олинадиган махсулотларнинг шартнома тузиш вактидаги тури, микдори, нархи куйидагича сумда)

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | ҚҚС | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Укувчилар партаси | дона | 65 | 11.00.000 | | 71.500.000 |
| | Укувчилар стули | дона | 130 | 360.000 | | 46.800.000 |
| | | | | | | |
| | Жами: | х | х | х | 0 | **118.300.000** |

## .ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1 Мазкур шартноманинг умумий бахоси 118.300.000 (Бир юз ун саккиз миллион уч юз минг) сумни ташкил этади.

2.2 Хисоб китоб **«ХАРИДОР»** томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

2.3 Шартнома руйхатга олиниб **«ХАРИДОР»** етказиб бериладиган махсулотлар суммасининг **30%** изини олдиндан аванс тарикасида **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** нинг хисоб рақамига утказиб беради.

2.4 Қолган **70%** изи, етказиб берилган махсулотлар хисоб варақ фактуралари асосида утказиб берилади.

2.5 **«ХАРИДОР»** томонидан **30%** микдордаги тулов олдиндан амалга оширилгандан сунг, **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** мазкур шартномада курсатилган микдорида ва нархларда давлат стандартига жавоб берадиган, махсулотларни **«ХАРИДОР»**га **3** кун муддат ичида етказиб беради.

## III.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. **«ХАРИДОР»** нинг хукук ва мажбуриятлари:

**«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** дан шартномани бажариш учун амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

Махсулотлар **«ХАРИДОР»** томонидан олиб келинганда **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** дан олиб кетиш харажатларини коплашни талаб килиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки тулик бажарилмаганида, бажарилмай колиш натижасида зарарни коплаш «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»дан талаб қилиш.

Товарни кабул килишда **"ХАРИДОР"**-уни миқдори, сифати, ассортименти ва руйхатини **"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"** томонидан берилган махсулот етказилганлигини тасдикловчи хужжат (хисоб-фактура) асосида, ушбу шартнома хамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

**"ХАРИДОР"** уз буюртмаси буйича етказиб берилган товарларини мазкур шартномага мувофик кабул килиб олади.

**"ХАРИДОР"** томонидан товарларни ва тегишли хужжатларни (хисоб-фактура) кабул килганидан сунг, шартноманинг 2.4 бандига мувофик **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** хисоб рақамига пул утказиш йули билан туловларни амалга оширади.

3.2. **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** қуйидаги хуқуқ ва мажбуриярларга эга:

Етказиб берилган махсулотлар учун олдидан хак туланиши ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб-китоб килиниши **"ХАРИДОР"**дан талаб қилиш:

Махсулотларни мазкур шартномага мувофик **«ХАРИДОР»** буюртманомасига асосан белгиланган муддатларда хамда сифат ва миқдорда талабга жавоб берувчи махсулотларни етказиб бериш.

3.3 **"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"** томонидан етказиб берилган товарлар ичида яроксиз товар мавжудлиги ёки ишлаб чиқаришга оид нуксонлар аникланганлиги хақида хабар олган кундан бошлаб, **"ХАРИДОР"**га 3 (уч) кун муддат ичида уларнинг қийматини тулик коплаб беради ёки харидор билан келишган холда яроксиз товарларни сифатли товарларга алмаштириб беради ва бу билан боғлик булган харажатларни уз зиммасига олади.

**«ХАРИДОР»**га товарларини етказиб бериш вактида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик товарга булган кафолат муддатларини ва сифат сертификатлари нусхаларини такдим этади.

**«ХАРИДОР»** товарларни кабул килганидан сунг **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** томонидан тегишли хужжатлар (хисоб-фактура) **«ХАРИДОР»**га уз вактида расмийлаштириб берилмаса, шартномада курсатилган муддатларда маблағларни тулиқ **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** хисобига утказиб бериш кафолатланмайди.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлар ва талабларига мувофик бажарилиши талаб қилининади.

Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. **«ХАРИДОР»** томонидан талаб қилинган муддатларда махсулотлар етказиб берилмаса, ушбу махсулотларни кабул қилиниши рад этишга хаклидир.

4.3. **«ХАРИДОР»** илгари берилган буюртманомада белгиланган муддатларини узгартиришга хаклидир, бу хақда **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор килади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Махсулотларини етказиб бериш муддатлари кечиктирилган ёки уз вактида етказиб берилмаган такдирда **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «ХАРИДОР»**га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня

ўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўлиқ бажаришдан ва махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиши ёки тўлик етказиб берилмаслиги окибатида етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган махсулотлар учун уз вактида хак тўланмаган тақдирда **«ХАРИДОР»** **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % изидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка холатлар конунчиликда белгиланган тартибда хал этилади.

5.4. **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** томонидан махсулотлар ўз вақтида ва белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда **«ХАРИДОР»** уларни асоссиз равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган махсулотларни 5 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожат килишга хақлидир.

## VII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР.

7.1**«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** ва **«ХАРИДОР»** олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра табиий офатлар ёки енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича томонлар жавобгар эмас.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ.

8.1. Мазкур шартнома **«ХАРИДОР»** ва **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** томонидан тасдикланиб Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва **2022** йил **31** декабрга қадар амал қилади.

## IX. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР.

9.1. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган шахслар томонидан имзоланиши ва мухрланиши шарти билан хақиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Етказиб берувчи » | «Харидор» |
|---|---|
| **Номи – BMS YANGILANISH RIVOJI MCHJ** | **Булокбоши туман Халк таълими булими** |
| | **Булокбоши тумани Накшбандий кучаси** |
| **Манзили- Булоқбоши тумани** | **Х/Р 100022860032107092100075062** |
| **Банк номи Хамкорбанк АТ Нодирабегим ф.** | **СТИР: 200266502** |
| **Х/Р - 20208000905487240001** | **Молия Вазирлиги Ягона газна** |
| **МФО:00079** | **хисоб вараги** |
| **СТИР: 309243197** | **Газна х/в 23402000300100001010** |
| **ХХТУТ:____________** | **Банк номи; Марказий банк Тошкент** |
| | **шахар бош бошқармаси ХККМ** |
| | **МФО; 00014 СТИР 201122919** |

**Рахбар** **Ташкилот рахбари.**

______________ (Ф.И.О) ______________ (Имзо) D Ахмедов (Ф.И.О) ______________ (Имзо)

## Х У К У К И Й   Х У Л О С А

1. Ушбу шартнома лойхасида тарафларнинг муносабатлари Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конуни ва бошка конунлар хамда меъёрий хужжатлар билан тартибга солинган.
2. Шартнома лойхасида унинг предмети, тарафларнинг мажбуриятлари шартнома суммаси, муддатлар, мулкий жавобгарлик, низоларни хал килиш тартиби ва бошка коидалар шунингдек тарафларни давлат руйхатидан утканлиги, мансабдор шахсларни шартномани имзолаш хукукига эга эканлиги хамда банк реквизитлари тулик ва тугри булиб, улар тулов кобилиятига эга эканлиги шартнома лойхасини конунчилик хужжатларига мос келишилигини аникладим.

Узбекистон Республикаси «Хужалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конуннинг 21-моддасига асосланиб хулоса киламан.

Ушбу шартнома лойхаси конунлар талабларига мос келади ва уни имзолаш мумкин.

__________________________________

____________________ хукукшуноси: ____________________________

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: FK4814037441

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA № FK4814037441

1. Loyihaning turi

**SHARTNOMA**

2. Loyihaning nomi

**Mahsulot yetkazib berish to‘g‘risida**

“Buyurtmachi” deb yurituluvchi Buloqboshi tuman Xalq ta’limi bo`limi nomidan xarakatdagi Nizomi asosida ish yurituvchi boshliq D.Ahmedov bir tomondan, va ikkinchi tomondan “Yetkazib beruvchi” deb yuritiluvchi “BMS Yangilanish Rivoji” MChJ harakatdagi Nizomi asosida ish yurituvchi M.Boymirzayev.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

**Buloqboshi tuman Xalq ta’limi bo`limi 19.05.2022**

Loyiha: O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni imzolash mumkin.

**2022-yil “19” may**

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **F.R.Madaminov**